تانگ یولدوزی

Тонг Юлдузи

УЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ВА УСМИРЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ.

№ 19
(6491).
1992 ЙИЛ
1 АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА
Баҳоси:
обуначига — 5 т.
сотувда — 30 т.

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.

6 АПР 1992

ҚИСҚА САТРЛАРДА

⊙ Февраль ойи кунларидан бирида биз ЎБЎУ-нинг раиси М. А. Раҳимбердиеванинг хонасига кириб бордик. Ва кутилмаган савол билан мурожаат қилдик:

— Айнан шу вақтда нима билан шуғулланаяпсиз?

— Ҳозир «Артек» масаласи муаммо бўлиб турибди. Биргина йўлланманинг ўзи 8 минг сўмга тўғри келяпти. Ҳозир мен бу масала қандай ҳал қилинганлигини билиш мақсадида Москвага қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турагандим.

⊙ Хоразм. Урганч шаҳри автобусларида йўловчиларнинг пуллари тез-тез ўғирланмоқда. Бу ҳақда назорат органларига хабар қилишса-да, киссавурларга қарши тегишли чора кўрилмаётир.

⊙ Грузияда фуқаролар уруши бошланиши арафасида турибди. Ҳокимиятдан четлаштирилган Президент З. Гамсахурдиа тарафдорлари бир қанча шаҳарларни қурол билан қўлга киритдилар. Назорат органлари эса қаршилик кўрсатмадилар.

Усмир болалар орасида кураш турларининг каратэ, таэквандо усулларига қизиқувчилар кўп. Уларнинг қизиқишларини қондириш мақсадида ҳозирги кунда жуда кўп мактабларнинг қошида шу кураш усулларини ўргатувчи тўгараклар ташкил қилинган. Тошкент шаҳридаги 18-сон Болалар ва Усмирлар Спорт мактабида ҳам каратэ бўйича тўгарак ташкил қилинган бўлиб, у бошқа тўгаракларга қарагенда қизғиноқ иш юритади. Сабаби эса оддий: қизиқувчилар сони ҳам кўп, машғулотлар ҳам. Еш спорт ишқибозлари ўз тренерлари Г. Агай бошчилигида бу спорт турининг барча сир-асрорларини ўрганишмоқда.

СУРАТЛАРДА: тренер Г. Агай бошчилигида машғулотлар давом этмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

ҒОЛИБЛАРГА ВЕЛОСИПЕД

Маълумки, 21 март куни пойтахтдаги Абул Қосим мадрасаси майдонида «Варрак сайли» бўлиб ўтди. Хўш, унда кимлар ғолиб бўлди?

Умуман, бу сайлда 218 нафар болалар иштирок этишди. Улар, ясаган варраклар қуёшли Ўзбекистоннинг мусаффо осмонини яна ҳам гўзал қилиб юборди. Чилонзор туманидаги 201-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Даврон Раҳимовнинг ўзи ясаб учирган варраги биринчи ўринга сазовор бўлди ва Даврон 700 сўмлик велосипед билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни эса Октябрь туманидаги 254-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мирзоҳид Комилов эгаллади. Учинчи ўрин Акмал Икромов туманидаги 193-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Зокиржон Каримовга насиб этди. Улар ҳам шаҳар ёшлар қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар. 201-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Тўлқин Холмуродов эса «Молодёжь Узбекистана» газетасининг махсус мукофоти — велосипед совриндори бўлди.

Бор гап шу. Агар сиз бу байрамда қатнашолмаган бўлсангиз, ўксинманг. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси кейинги 1993 йилда ҳам бу анъанавий ўйин-мусобақанинг IV турини ўтказишни режалаштирган. Насиб этса, сиз ҳам унда иштирок этасиз.

Шайдо ХУДОЁРОВА.

СУРАТДА: онлавий варракчилар.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

УШАЛГАН ОРЗУ

Ўлкамизда тоғлар кўп. Ҳар йили баҳорда бу тоғларнинг чўққиларидаги қорлар эриб жилғаларни, жилғалар бир-бирига қўшилиб сойларни, сойлар қўшилиб икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёни ҳосил қилади. Ўзбек халқи минг-минг йиллардан бери мана шу икки дарё оралиғида тожик ва туркман, қирғиз ва қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлар билан оға-ини бўлиб, бир майизни қирқ бўлиб еб, тотувлик билан яшаб келишаяпти.

Бу ўлкани қадим-қадим замонларда Сўғдиёна, Турон, Моваруннаҳр каби номлар билан аташган. Бундан етмиш йил аввал эса уни Туркистон деб аташарди. Кейин эса уни бешга бўлиб, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон жумҳуриятларини ташкил этишди.

Бу қадимий ўлканинг табиий ва ер ости бойликлари ниҳоятда кўп. Унда тилла ҳам, пахта, ширин-шакар мевалар ҳам, машина ва самолётларни ҳаракатга келтирадиган нефть, ҳар бир хонадонга занғори олов бўлиб кирадиган табиий газ ҳам мўл. Шунинг учун ҳам унга четда кўз тикканлар, бойликларига эга бўлишни истаганлар кўп бўлган. Туркистон халқлари эса ўз ватанларини мардона туриб ҳимоя қилганлар.

Буюк боболаримизнинг асрий орзулари ушалди. Жонажон, серқуёш диёримиз Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлди. Тошкент шаҳридаги майдонлардан бири мустақиллик майдони, деб қайта номланди, бу майдонга «Озодлик» ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида фармон чиқди. Бу майдон вақти келиб халқимиз шоду хуррамлигини, меҳнат ғалабалари нишонасини, орзу-умидларини, ўзлигини намоён этувчи майдон бўлиб қолади.

Ҳали олдинда ишлар кўп. Чинакам мустақиллик, қаттиқ меҳнат ва кураш билан қўлга киритилади. Жумҳуриятимизда яшаётган барча халқларнинг бир тан, бир жон бўлиб жипслашишини талаб этади. Бундан буён ҳар бир бола мактабда янада яхши ўқиши, меҳнатсевар бўлиши, ўз ота-онаси, боғча опаси, муаллимининг айтганларини ўйлаб қилиши керак бўлади. Фақат шундагина мустақил Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб етишасиз.

Алланазар ЭГАМНАЗАРОВ.

БИЗНИ „Қолоқлар" ДЕЙИШМОҚДА

ТАШВИШЛИ МАКТУБ

Ҳурматли Юлдузжон!

Биз, яъниким 7-синф ўқувчилари, сендан бир «атама» тўғрисида сўраб билмоқчимиз. Очиғи, бироз иккиланиб ҳам турибмиз. Чунки эртага бундан ҳам бошқача бўлиши мумкин-да!

Эшит, яқинда мактабимизда 6-, 7-синфларарo рус тили бўйича билимлар беллашуви бўлиб ўтди. Биз унда ютишимизга ишонган эдик. Бироқ юта олмадик.

Йўқ, биз ҳакамлар ҳайъати нотўғри баҳо қўйди, деб айтмоқчи эмасмиз, гап умуман бошқа томонда.

Ғолиб бўлган 6-синф ўқувчилари бизнинг устимиздан «Қолоқлар синфи» деб кулишмоқда. Бурчак-бурчакда бўлса ҳам майли-я, залларда, ҳатто мактаб деворларига ўйиб ёзиб кетиша бошлашди: «7-синф — қолоқлар». Бу таҳқирлаш ҳамон давом этмоқда. Одамга оғир ботаркан, оғир!

Айт-чи, улар тўғри қилишяптими? Биз нима қилайлик?

Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёрқўрғон қишлоғидаги 38-мактаб ўқувчилари.

МУҲАРРИРИЯТДАН: назаримизда шунинг ўзи кифоя. Улар энди ўз қилмишларидан уялиб юришади.

1 АПРЕЛЬ: ҲИ-ҲИ, ҲА-ҲА!

АЙТИШЛАРИЧА, бир марта мириқиб кулган кишининг умри бир йилга чўзилар экан. Кулгуни юрак-нинг, дилнинг малҳами дейишади. Кулгу, хушандонлик бор жойдан қайғу, ғам қочади.

Шу алғов-далғов, нархнаво осмонда бўлган, қийинчиликлар давом этаётган даврда кулгуга бало борми, делётгандирсиз? Нима бўлганда ҳам, 1 апрель куни жаҳонда кулгу тантана қилади. Бу кун барча кишилар бор алам-андуҳларини унутишга, бир марта бўлса ҳам яқинини, қариндошини бирон латифа, ҳазил билан дилини очишга, кулдиришга интилади. Польшанинг кулгу шаҳри ҳисобланган Габровода аскиялар намойиши, латифалар ярмаркаси каби ажойибу ғаройиб тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбирлар собиқ СССР-нинг Одесса шаҳрида ҳам ўтказиларди. Бизнинг Асака ҳам ҳар қандай Габрово ва Одессадан қолишмайди. Бу кун ҳар қандай оғир шароитларга қарамай, аския кечалари ўтказилишига ишончимиз комил.

Кулинг, дўстлар, диллар яйрасин! Ушбу кун яхши ҳаётга умид қилиб, кўнглингизни очинг, дўстни ҳам, душманни ҳам кулдиринг!



БУ ОРЗУЛАР УШАЛСА БОРМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори билан шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб корхона ва муассасаларда, завод ва фабрикаларда меҳнат қиладиган болали аёллар ишдан озод қилиниб, уларга ўз фарзандларини 18 ёшга киргунча тарбиялаб, вояга етказишлари учун ҳар ойда иш ҳақлари тўлаб турилади́ган бўлди.

Яна бир янгилик: Ўзбекистон болаларининг ягона нашри ҳисобланган «Тонг юлдузи» газетасининг барча ҳаражатларини давлат ўз бўйнига олди. Президентимиз қарори билан уни нашр қилиш учун етмаётган пул ҳукуматимиз томонидан тўланади. Бундан ташқари, унинг икки хил рангда, ҳафтада тўрт марта чиқиши, газета ходимларининг иш ҳақи, қалам ҳақларини ошириш учун ҳам қўшимча маблағ ажратилади.

Япониядаги «Болалар дунёси» дўконларидан ҳар бир бола бир донадан ўйинчоқни (ҳажмидан, нархидан қатъий назар) бепул олиб кетиши мумкин экан.

АЙТИШЛАРИЧА...

Бугун сиз ҳам «Болалар дунёси» дўконларидаги ўзингиз ёқтирган ўйинчоқни бепул олиб кетсангиз, ҳеч ким индамаса керак?

Ўйинчоқларга лиқ тўла дўконларимизга шошилинг, болажонлар.

* * *

Японияда болалар ўйинчоқларини, ҳатто фломастерларни ҳам бемалол ейиш мумкин экан. Бу гапни эшитган болажонларимиз боғча опалари «хўжакўрсин»-га берадиган ўйинчоқларни еб қўя ёзишди.

* * *

Японнядан келган бир гуруҳ мутахассислар бизнинг боғчаларимиздаги шарт-шароитни, қулайликларни кўриб, оғизлари ланг очилиб қолди.

— Оғзингизни юминг, паш-ш-ш-а... — қичқиришди болалар жўровоз бўлиб.

Феруза ЖАЛИЛОВА.



ШАРТНОМА

Қишда совуқ
Албатта.
Биз ётамиз
Катакда.
Дон, сув берсанг
Муқимжон
Қизғанмаймиз
Тухумдан...

АВТОБУСДА

— Айт, нега йиғлаяпсан
Нима бўлди, Сотволди!

— Анови семиз одам
Оёғимни босволди.

МАКТАБДА

— Бузоқ расмин чизибсан,
Йўқ-ку, битта қулоғи!
Айланиб ўтмасангиз.
Кўринмайди у ёғи.

Нурматжон ИСМОНОВ,
Балиқчи туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси.

«Боғчамиз нурга тўлсин!»

Шу улуғ айём кунларда пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги Чилонзор-30 мавзесида яна бир болалар боғчаси очилди. Бу ерга келган кичкинтойларнинг диллари шод бўлсин дея, яхши ният билан унга «Дилшод» деб ном қўйдилар.

— Турмушимиз иқтисодий қийинчиликлар гирдобида кечаётган бир пайтда туманимизда 560 ўринли катта бир болалар масканининг очилиши ҳаммамиз учун қувончлидир, — деди туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи Абдулаҳад ака Йўлчиев, — боғчанинг очилиш маросимида сўзга чиқиб.

Дарҳақиқат, ота-оналарнинг, кичкинтойларнинг шодликлари чексиз эди. Улар барча қулайликларга эга бу боғча бунёдкорларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Биз боғча мудираси Турсуной опа Акромовадан «Шу қувончли кунларда нималарни ният қилдингиз?» деб сўраганимизда у «Боғчамиз нурга тўлсин, ўғил-қизларимиз соғлом ва яйраб юришсин» деб жавоб берди.

Зеро, шундай бўлса, ота-оналарнинг ҳам кўнгиллари хотиржам бўлади.

СУРАТЛАРДА: боғчанинг очилиш маросими.

Мудира Т. Акромова кичкинтойлар билан боғчанинг рамзий калитини қабул қилиб олмоқда.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Болаликнинг рамазон ҳайити ёшуллилар ийдидан анча олдин бошланади ва адоғсиз давом этади. Бу кунларни хотира бир умрга байрам қилади. Ундан юрак қувонч олади, кўнгил софлик туяди. Аллоҳнинг ярлақаган ойида кундузлари сойим бандаларининг гуноҳлари офтоб нурида жизғанак бўлар экан; шаффофлашган кўнгил эзгу орзулардан қайта оламга келади.

Болаликнинг рамазон ҳайити

Эндигина шом тушиб, ифторлиқда оғиз очилган палла. Маҳаллаларда соф юракларнинг хиргойиси янграйди:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга...

Рўзадор хонадон соҳиби бу овозни эшитиб, гўё умидлари ижобатига Аллоҳдан келган ваҳийни кўргандай уларга пешвоз чиқади. Болаларга атаганини тутқазади. Аталганлар шунчаки 3—4 чақа танга, қанд-қурс, лўппи бўғирсоғу қатламагина эмас...

Бу ғайб умид — қўчқордек ўғил кутаётган келинчак хаёллари. Бу дилдаги ҳаваси — мурғак ўғилчасининг тетапоя қилишини кўришни истаган ёш опа дарди. Бу тилак — аскар ўғлини соғинган онаизорнинг маъюс ва умидвор, узоқларга қадалган нигоҳи. Бу некбин шарпа — оғир гуноҳни содир этиб куйиб, тавба-тазарру қилиб юрган қонбағир кимсанинг тилсиз нолалари...

Эҳ-ей... уларнинг адоғи йўқ, карвони туганмас. Бари-бари хиргойига юқиниб чиқади. Ҳеч кимга айтмаган, дўстига дил ёролмаган, ишониб топширолмаган юрак дарди ва ниятларини болалар айтган рамазон хиргойисига топширадилар. Айрим шуурсизлар наздида ҳали дунёни англаш даражасига етмаган дея тамға босилган, мана шу митти одам, тенгсиз оламларга очиқ кўнгил, ёруғ тавалло билан дунёларини тортиқ қиладилар.

....Тасаввуримда болалар ана шу улуғ дақиқаларда катталардан-да, улуғлардан-да юксакка кўтариладилар. Гўё Аллоҳ элчилари, Аллоҳ фаришталарига айланадилар. Парвардигор ҳузурига олиб бориладиган умид ва илтижолар тўла хуржунлари қўшиқ қатида кўкка парвоз этади. Иншооллоҳ арши аълодан ҳуржун бўш қайтмас, тилаклар ижобатсиз қолмасдир.

Ҳижрий-қамарий 1412 йилнинг Рамазон моҳи биз билан хайрлашиш куйини чалиб турган, айни ҳайит арафаси кунларида барча мусулмон ўлкалари каби ўзбек юртида ҳам бу ҳол ҳукмрон...

Ҳа, баҳорнинг ҳар бир майсаси, гиёҳи ҳам байрамга совға тайёрлаётир. Хабарчи ел ҳовлиларга кириб супаларни супуради. 3 ой кўрмаган жўралари — ҳавозали токлар билан кўришади. Ийд билан муборакбод этиш учун нуроний бобо ва момолар пойини тавоф этади. Мозорда кўкарган бинафшани силкитиб, марҳумлар руҳини шод этади. Келинчакка ўғил, отага сабр, кампирга дармон, далаларга мўл ҳосил, қўйингки, барча-барча кўнгилга орзуси насиби ваъда этилади.

Ҳаёт тилагини хиргойига солиб, чексиз бепоён дунёлар сари шошаётган, укажон, гуллар ғунчасидан эзгу ифорни тилига кўчириб, момосидан қутлуғ ҳаёни мерос олган, сингилжон, сенингда рамазон ҳайитинг қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин. Сенга-да энг эзгу, энг порлоқ тилаклар, юмушлар бир умр ҳамроҳ, елкадош бўлсин, Омин Аллоҳу акбар.

Тўрткўзлар кутиб олган болакайларни
Рамазон айттирар қишлоқ йўллари.
Лабларда наво бўлиб эриб кетган тун,
Эсга олиб келар содда йилларни.
— Ё рамазон айтиб келдим эшигингизга
Худо қўчқордек ўғил берсин тилло бешигингизга.
Гунг остона бирдан бошлайди қўшиқ,
Чол тинглаб титрайди эшилиб туйғу.
Қорахатлар тўқиб, кейинган бўшлиқ,
Кўзлари ёритди-эй — туғади сулув.
— Янгача, янгача
Менга беринг тангача.
Оёғимиз узилмагай,
Мурод айтиб тонггача.
Томларда ҳовузларни келарлар кўтариб,
Олма дарахтини босар ҳаяжон.
Бир этак болакайга боғлар йўталиб,
Ўзига қўшиқ тўқир ошиқ қаҳрамон:
Бойнинг бир қизи бор тўн бичади,
Йигитлар султонидан сув ичади.
У бичган тўнларнинг қуроғи йўқ,
Рўзада ўлганларнинг сўроғи йўқ.
Нурумид кампирнинг ёқилиб чироғи,
Орзулар орзудан кетар кеккайиб.
Қайтар қўшиқларда қолган қароғи,
Оймоманинг чўпчаклари қасддан кексайиб.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Қуйидаги болалар айтувчи қўшиқларни фольклоршунос олим М. МУРОДОВ тайёрлаган.

Рамазон айтиб келдик...

Рамазон айтиб келдик эшигингизга
Худойим ўғил берсин бешигингизга
Салом-ассалом хонадон эгаси,
Сизга ҳам салом, хонадон бекаси.
Худонинг энг яхши бандаси сизлар,
Рўзанинг закоти деб келдик бизлар.
Ё рамазон, ё рамазон!
Ҳимматингизни кўрайлик бой ота,
Очиқ қўл аёлмиш опамиз бека,
Закотингиз аямай беринг бизга
Қўл очиб дуолар айтайлик сизга.
Закотнинг савобига нима етсин.
Берганингизни оллоҳ қабул этсин
Ё рамазон, ё рамазон!

Ҳизр келсин уйингизга...

Рамазон айтиб келдик
Эшигингизга,
Худойим ўғил берсин
Бешигингизга...
Эрта-индин саҳарда
Ҳизр келсин уйингизга...
Дуо айтай, дуоим —
Сувга тушса ботмасин.
Дуо айтай, дуоим —
Ўтга тушса ёнмасин.
Дуо айтай, дуоим —
Ерга совурилмасин.
Худо берган давлати,
Тепкиласа кетмасин.
Боқиб юрган қўйингиз
Қўрангизга сиғмасин.
Қир-адирда донингиз
Омборларга сиғмасин,
Миниб юрган отингиз
Йўлида ҳеч ҳормасин.
Соғиб юрган молингиз
Сутидан ҳеч қолмасин.
Қиз-ўғлингиз кўпайиб
Уйингизни тўлдирсин.
Келаси йил шу маҳал
Набиралар кўп бўлсин.
Омин аллоҳу акбар,
Омин аллоҳу акбар!

Азиз дилбандимиз НОДИРЖОН!

Эндигина ҳаётингнинг 6-баҳорини қарши оляпсан. Ақлли, зукко, доно фарзандимиз, ҳаётингда қаршилажак баҳорларинг жуда кўп бўлсин. Кўзларимизни қувнатиб, завол топмай улғайгин. Сендан умидимиз катта, болажон!

Сени самимий қутлаб Эгамовлар оиласи.
Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги Зафар посёлкаси.

Табриклаймиз!

ҲАБИБ САЪДУЛЛА — 50 ЁШДА!

Қалб мусаффо бўлса

Дўстим Ҳабиб ҳақида ёзаман десам гап кўп. Қайси биридан бошласам экан. Ҳунарли ишчи бўламан, деб Тошкент заводларининг бирида бу дунёни бир эътиқод, бир кўз билан кўриб ишлаб юрган пайтини айтиб берайми? Мен бахтли ишчиман, деб ҳайқириб шеър ёзганларини ҳикоя қилсамми? Сўзни ижарада турган уйларидан бошласамми?

Кўрдингизми, бекорга айтмадим-да, гап кўп деб. Ҳар бирига батафсилроқ тўхташга имкон йўқ. Ҳабиб Саъдулла деган шоир оғайнимиз ишчи касбини эгалламади. Шеър ёзган бўлса ишчи аҳлини бахтли кўргиси келганидан бу ишни қилди. Уларнинг нонидан татиб кўрди. Ижарада турган дедим, бу ҳам данғиллама ҳовлида яшашни истамаганидан эмас, ҳаётни ўрганиш, содда беғубор одамларга яқинлашиш учун шундай қилди.

Энди сўрашларингиз мумкин. Бирингиз бухоролик, иккинчингиз наманганлик. Танишув қандоқ бўлганди? Дорилфунун остонаси бизни таништирди. Кейин тақдирдошлик деган гап бор. Ҳабибжоннинг адалари ҳам, менинг отам ҳам ўрис оғаларимизга қўшилиб, бостириб келган немисни ўз инигача қувиб борганлардан. Оталаримиз фронтда танишганми, йўқми буни оллоҳ билади. Фақат шаҳид кетишгани рост.

Бу сирни айтишим керак. Ҳабибнинг адаси Бухоро вилоятининг Рометан туманида ишлаган. Мен эса рометанликман. Менинг авлодларимдан ҳеч бўлмаса биронтаси у кишини кўрган, суҳбатда бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Мен эса Ҳабиб билан дўстлашдим. Табиатнинг донолиги ҳам ана шунда бўлса керак.

Яхшиларга ёндошсанг ҳузур топасан деганларидек, Ҳабиб орқали бебаҳо йигитлар Муҳаммадхон, Турсунпўлатлар билан танишдик. Бу уч оғайнининг бир-бирига бўлган меҳру-оқибатини кўриб ҳавасим келди, улар даврасида юришни ихтиёр этдим. Тўғри йўл танлаган эканман, хато қилмадим.

Ёшим улғайган сари дўст ким, нодўст ким, аниқ бўлиб бораверади. Бири иши битгунча, яна бирови сенинг имкониятингдан фойдаланиш, яна бири талаб бўлгани учун сен билан дўст тутинади. Дастурхон дўстларини айтиш шарт эмас. Демоқчиманки, дўст бўлувчиларнинг тури, турланиши кўп. Кейин-кейин бари аравадан тушган ошқовоққа ўхшаб, тўп-тўп этиб йўл ўртаси, ё чеккасида думалаб қолаверади. Кейинчалик рўбарў келиб қолса башараси буришиб, ранги болалар ётган кўрпачанинг эски пахтасига ўхшаб кетади. Ўзини қаерга қўйишини билолмай, тикан соясидан паноҳ излайди. Ана шунинг учун қадимда синовлардан ўтган одамларгина дўст тутунишган. Бу урфлар фақат бизнинг замонамизга келиб бузилди, тамом барҳам топди. Бутун бошли кўзи оҳу — кўзи тўқ аралаш қуралаш яшаётган, на ернинг, на осмоннинг қадрига етадиган одамларни дўсту биродар деб эълон қилдик. Натижасини мана кўриб турибмиз: қарорлар, чақирувлар билан дўстлашишнинг ёрқин намунасини бугунги кунларимиз кўрсатаяпти.

Ҳар бир одамнинг ўз шахсий ҳаёт мактаби бўлади — Мен шундан озгинасини сизнинг ҳукуматингиз ҳавола қилдим. Ибратли одамлардан ибрат олиш керак. Дўстим Ҳабиб Садулла фақат таниқли шоиргина эмас, балки ишратли дўстимлари қуршовида эркин юрадиган собит қадамлардан.

Ҳар бир шоир ёки ёзувчининг асарларида кўпинча ўз дунёси акс этади. Ҳабиб Саъдулла сизнинг рўзномангизда ишлаб юрган даврида кўтаринки руҳдаги шеърлар битди. Қатор мақолалар ёзди. Ота-оналарингиздан сўрасангиз айтиб беради. Биз шўро даврида фақат сохта дўсту биродар бўлмадик. Балки жойлардаги одамларни нуқул саргардон, овора қилиш билан яшадик. Шулардан бири вилоятни вилоятга, туманни туманга қўшиш усули эди. Кичик хўжаликларни қўяверинг. Бунинг ҳаммаси қанча маблағнинг бошига етди. Бу гапларни айтишдан мақсад халқнинг пули кўкка совурилди. Шоир дўстим ҳақида сўз очиш баҳонасида сизга шуни уқтиргим келади. Мустақил республикада яшаб, шу қутлуғ заминнинг яраларини тузатиш, унга малҳам бўлиш дарди бало нафас олаётган катта-ю кичик, энг биринчи иқтисодчи бўлиш, иқтисодни яхши билиши шарт. Афсуски, биз шу пайтгача бу ҳақда ўйламаганмиз. Бир томони ўзимиз ҳам бировнинг етовида юрганмиз. Ихтиёр жилови империя деб аталиши якка ҳокимлар қўлида бўлган.

Ҳабиб Саъдулла билан ишлаб юрган кунларимизда Наманган вилояти яна қайта тикланди. Ғайратли дўстим ўз вилоятининг тикланишига ҳисса қўшиш учун она юртга қайтди. Вилоят фирқа қўмитаси рўзномасида ишлади. Узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимини бошқарди. Жойларда адабий ҳаракатчанликни кенг йўлга қўйди. Қалам аҳлининг боғини қовуштирди. Сизга айтсам, иқтидордан қатъий назар, ижодкор аҳлининг табиати нозик бўлади. Гоҳида қилган ишидан кўра, талаби катта бўлади. Нима дердик. Одам боласида. Лекин Ҳабибнинг хайрли ишларини кузатарканмиз Ғаффорни, Нуриддин Бобохўжаев, Эрмат Нурмат, Жўра Раҳим, Абдулла Жаббор ва бошқа қаламкашлар то ҳануз эслаб юради. Шунга қўшимча равишда дўстимиз наманганлик фозилу фузалолар, шоирлар ҳақида хотиралар ёзиб «Тонг мусаффо бўлса» номи билан нашр қилди. Раҳматлик юртдошларининг руҳини шод этди. Ҳабиб Саъдулла Наманганда адабий ҳаракатчиликка бош-қош бўлиш билан бирга, сизларга атаб шеърлар битди, достонлар ёзди. Шу ўринда унинг «Хонатлас» ҳақидаги достонини эслаш кифоя. Бундан ташқари, уруш қурбонларига бағишлаб, уч достон битди. Бу достонларнинг бош қаҳрамони албатта отаси эди.

Ҳозирги кунда қаҳрамон деган сўзнинг охори анча тўкилиб қолди. Лекин Ҳабиб уни асл маъносида ишлатган. Сохта сиёсатга асло алоқаси йўқ. Жангга кетган, қайтиб келмаган уруш қурбонлари чин қаҳрамон эдилар. Уларнинг бош нияти — юртни, зор-зор қақшаб қолган оиласини асраш, ҳеч бўлмаса, ана шуларнинг эсон-омон қолиши учун қонли жангга кириб кетишдир. Қаҳрамонлик деган сўзнинг бекадрланиши бизнинг кунларга тўғри келди. Бунинг ҳам сабаблари кўп. Қаҳрамонлар ўз-ўзларига имтиёзлар ярата бошладилар. Биз уруш болалари эса ўксик қалб билан уларни кузатиб ўсдик. Илғор замонавий қаҳрамонларни замоннинг ўзи яратди. Ўзи кашф этди. Ахир ёдгорлик лавҳалари қўйиш мангу олов ёқиш билан уруш қурбонларининг арвоҳи шод бўлармиди. Асосий эътибор улардан қолган зурриётларга бўлиши керак эди...

Ҳабиб Саъдулла достонлар устида ишлар экан; саҳна асарига ҳам қўл уриб, «Юсуф ва Зулайҳо» асарини яратди, ўнлаб дилга яқин қўшиқлар ёзди.

Бу гапларнинг якуни шуки, адабиёт, санъатда анча-мунча иш қилиб қўйган шоир, дратург, қўшиқнавис маданиятпарвар дўстимиз Ҳабиб Саъдулло 50 ёшга тўлди. Мустақил жумҳуриятимизнинг биринчи баҳорида ана шунақа йигитларни қутлашга не етсин. Нима бўлгандаям у «Тонг юлдузи»нинг жўмард йигитларидан бирида...

Сафар БАРНОЕВ.

Азиз фарзандимиз Жасуржон бу йил 7 ёшга тўлади. Оиламиз номидан ўғилчамизни қутлуғ айёми билан қутлаймиз. Умри боқий бўлсин, завол кўрмасин. Бахтимизга доимо омон бўлсин.

Ота-онанг, опаларинг Нилуфар ва Нигина.

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри. Отабоевлар оиласи.

Фарзандимиз ФАЙЗУЛЛА! 8 баҳоринг муборак бўлсин. Сиҳат-саломатлик, ўқишларингга ривож тилаймиз.

Ўтган Файзулло боболарингга муносиб фарзанд бўлгин.

Сени қутлаб Маҳфират бувинг.

Тошкент шаҳар, Киров тумани, Муродова 11-тор кўча.

Ғуломовлар оиласи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ЖАКОНДА

Бундай гўзал сувратни кўрмай,
Айтинг, жаҳон нени кўрибди?
Қаранг, нурли аёл сиймоси,
Кулимсираб қараб турибди.
Нигоҳида бир олам маъно,
Юзларида меҳрибонлик бор.
Шафқат сўраб, қилиб илтижо
Умид ила боқар бахтиёр.
Атиргулдек очилиб, яшнаб
Беғубор тонг тутади малак.
Яратганга санолар айта
Асир унга бу аҳли фалак.

Самар ЖЎРАЕВ,
А. Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактаби толиби.

ТУН

Милмилак мисоли, маъюс милтирар,
Ҳилол халқумида ҳилпироқ ҳуси.
Ям-яшил яйловда зулмат чинқирар
Фалакнинг фаромуш фонуси фузуи.
Тонги туйғулардай тароватли тус.
Оқшом оғушида оҳангдай оқар.
Илинж истеҳкомин ичида илкис
Есуман ёғдулари ёқутин ёқар....

Алишер ШОИМОВ,
Чирокчи туманидаги 3-мактаб ўқувчиси.

БУВИМ ХОТИРАСИГА

Буви нега кетдингиз?
Бизни ташлаб йироққа.
Боқдингиз-ку авайлаб,
Ювиб, тараб азобда.
Кўрмадингиз ҳузурни,
Нега шошдингиз бунча.
Улғайдик бизлар бугун
Умидлар очди ғунча.
Фақат дилларда яра,
Эзар сарғайган хотир.
Бешикда қотган алла...
Эҳ, сизни сўроқлаётир...
Буви нега кетдингиз?...

Нилуфар ҲАСАНОВА,
Гулистон туманидаги 1-мактаб ўқувчиси.

ОНАЖОНИМ

Саҳар тонгда мен онамнинг
Сиймосини қумсадим.
Топмоқ бўлиб пайпасласам
Бувим қўлин ушладим.

Эй, худойим, паноҳ ўйим,
Қайтар менинг онамни.
Қон қақшатиб мен гўдакни
Қийнамагин танамни.

Онажоним, кўзда ёшу
Армон билан кетдингиз.
Болам қолди, уйим қолди,
Дея ночор кетдингиз.

Наҳот энди бир умрга,
Мен онамни қумсайман.
Қачонгача йўлин пойлаб
Кўча томон бўзлайман...

Дилдора БАХТИЁР қизи,
Тошкентдаги 201-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси.

ТЕНГДОШЛАРИНГ ИЖОДИДАН

— Ма, ол, достонингни, — деди у менга хатни улоқтириб. Мен хатни ўчоққа ташладим. Ўчиброқ қолган экан, қўлимдаги тол навдаси билан кулни бир-икки титкилаб, чўғни юзига чиқардим. Хат чўғлар тафтидан тутаб ёна бошлади. Олмаса мана шундай бўлади-да, дегандек Нозигулга ўгирилдим, ва:

— Кимданлигини билдими? — дедим.

У менинг кайфиятимни тушиб кетганлигини кўриб, далда бериш ниятида:

— Йўқ билмади. Мен ҳали кимдалигини айтмасимдан... — бироз ўтиб — Олади, олмай қаёққаям борарди, — деди у жазаваси тутиб. — Мени билмас экан у битбош.

— Нима?! — дедим мен тушунмай.

— Битбош дедим, кеча Хосиятга тозалатиб ўтирувди. Сениям ишқинг одам қуригандай шу битбошга тушганига ҳайронман.

Мен Зулайҳонинг елкаси узра ёйилган сочларидан кўз узмас эканман, унда бит бор деган гап кимдан чиққанлигини англай бошладим. Ростдан буни Нозигул тарқатганлигини айтгим келди. Бироқ гап чувалашиб, хатни мен ёзганлигимни билиб қолишидан чўчидим. Шундай бўлса-да, буни қандай йўсинда айтишни ўйлаб тургандим-да, тўғрироғи гап боши учун:

— Хатни ким ёзган экан, — деб сўраган пайтимда эшик очилиб ошпаз хола ҳовлиқиб кириб келди.. У билмайман маъносида бош чайқашга улгурди.)

— Ҳе, бола мен сени излаб юрибман, бу ерда ўтиришингни қара, чиқ комиссиями, алламбало келди. — Мен ташқарига отиларканман, ундан жавоб кутиб кўз узмасдим. Эшик ёнига етганда унинг билмайман маъносидаги бош чайқаганини кўриб суюниб кетдим.

Текширувчилар ҳам шу хонага келишаётган экан. Эшикни очишим билан уларга рўбарў чиқдим. Районимиздан биз билан бирга келган РайОНО вакили чаққонлик билан мени четга суриб, текширувчиларнинг каттаси, бошига қимматбаҳо телпак кийиб олган кишига йўл бўшатди. Ўзи эса унга кўрсатмай ярим чин, ярим ҳазил урмоқчидек қўл кўтариб, жилмайиб қўйди. Бошлиқ эса остона ҳатлаши биланоқ бурнини жийириб, уйнинг ҳавоси бузилганлигини билдирган бўлди. Районимиз вакили буни тезда англаб:

— Деразаларни очиб, хоналарни шамоллатиб турсанглар бўлмайдими?

— Очилмайди, сиртдан целофан қоқилган, — дедим мен ҳозиржавоблик билан.

— Бўлмаса, эшикларни очиб қўйиш керак, — деди бошлиқ менга ёвқараш қилиб. — Нима қилиб ўтирибсизлар ўзи бу ерда, — деди Зулайҳога кўзи тушаркан. Ўшанда у Зулайҳонинг сочлари ёйилиб: йиғидан кўзлари қизариб кетганлигини кўриб, биз ҳақимизда ёмон фикрга борди чоғи, акс ҳолда бунча бақириб бермасди.

— Нега бугун далага чиқмадинг. — деди у менга ўшқириб.

— Самоварчиман.

— Самоварчи эмиш, девангирдай йигитнинг самовар қайнатиб юришини қара.

— У ўтган йили сариқ бўлган, — деди ошпаз хола менинг жонимга оро кирмоқчи бўлиб.

— Сариқ эмиш, ана бизнинг Шоназар ҳам сариқ ни бошлаб юборган, — деди бўлиб, икки ой ўтмай ичишу барибир жаҳлдан тушмай, ташқарига ишора қиларкан. Ташқарида унинг шофери қолган эди, эҳтимол ўша Шоназардир, буниси ҳозиргача менга қоронғу. — Бу қиз нега теримга чиқмади, — деди у Зулайҳога кўз қирини ташлаб.

РайОНО вакили биласизларми, дегандек менга ва ошпаз холага саволомуз қаради. Нима дейишимни билмадим. Ғудранган эдим, ошпаз хола яна топқирлик қилди.

— Директор уст-бошингни ювиб ол, деб қолдирган эди — деди у.

Бошлиқ ўша куни ҳаммага бақиришга қасам ичиб чиққан шекилли, ошпаз холага ҳам ўшқириб кетди.

— Бир маҳал овқатни пишириб кун бўйи бекорсиз. Кир-чирни ювмай сиз нимə қиласиз — деди. — Бироз ўтиб холага нисбатан ноҳақлигини сезди шекилли, — булар ўтиргунча, далага чиқиб бир кило бўлса ҳам терса, ҳарна-да, — деди юмшатиб.

— Бизлар шу план деган сағана тўлса, тезроқ тўла қолсин деб ётибмиз. Уч ой бўлди, келганимизга, — хола дийдиёсини бошлаб кетди. У буни биз билан келган ўқитувчиларгаям ҳар куни такрорлаб туради. Нафақат ўқитувчилар, балки бошига қимматбаҳо телпак кийган ҳар бир мардумга айтарди. Холани алмаштириш учун одам топилмаганидан директоримизнинг тили қисиқ, у буни яхши биларди. Шунинг учун бирортаси димоғидан баланд гапириб қолгудек бўлса, шу ҳол бўларди. Хола буни вилоят вакилига ҳам айтиб оғзини ёпмоқчи бўлди. Бироқ аввалига сал юмшаган вилоят вакили яна жаҳл билан:

— Керак бўлса, бир йил юрасиз, битта сиз эмас, мана шу болалар ҳам уч ойдан бери ота-онасидан олисда. — дея жеркиб берди.

Хола аслида кўнглида ғубори йўқ аёл. Ёшлигидаёқ эри ўлиб кетиб, ҳеч кимдан қаттиқ сўз эшитмай ўрганиб қолганиданми бировнинг гапини кўтармайди. Ўзининг таъкидича «тортишувчиси»ни мот қилмагунча тинчимайди. Вилоят вакилига сўз топиб беролмаётганиданми ёки бошқа сабабданми ўйламай-нетмай:

— Бу қиз керак бўлса, кир ювиш учун эмас, бошининг битини тозалаш учун қолган. Унинг ўрнигаям мен бош тозалайинми? — деди.

Вилоят вакили сизларга гап ҳайф дегандек орқага илкис ўгирилди. Вакилимиз билан тўқнашиб кетгудек бўлиб шиддат билан чиқиб кетди.

Ҳали айтдим-ку, хола ёмон аёл эмас деб. Кўп ўтмай Зулайҳонинг ёнига келди.

— Қариб эсимни еб қўйибман қизим, бояги гапни каттаконга айтиб юборганимни билмай қолдим. Мендан хафа бўлма, болам, эҳ-ҳе мен кўрган бало қолмади. Эсимни есам ебам қўйгандирман. Ҳаммасини ўтказдим, — деди Зулайҳодан кечирим сўрашга бўйни ён бермай. Кейин менга ўгирилиб ўшқириб берди. — Бу ерда мўлтонининг таёғидай диккайиб туравермай, бирор жойдан саларкани, керосинни топиб кел. Сувга озгина қўшиб ювсин, тўкилиб кетади, — сағана, — деди у битни назарда тутиб. Мен Зулайҳога, у менга қарадик. Мен «ҳеч қанақа бит йўқ» дейиш учун оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, Зулайҳо «индаманг» дегандек пастки лабини тишлади. «Ҳозир» деганча ташқарига отилдим.

Тутзорлар орасига тутатқи учун бекитиб қўйган саларкадан бир банка олиб чиққанимда, Зулайҳо мени шийпон олдидаги супада кутиб турарди. Унга нима қилмоқчисан, сенда бит йўқ-ку демоқчи эдим, ичкаридан ошпаз хола чиқиб қолди:

— Ҳа, ҳали шу ерда турибсанми, мен сени кетди десам, — хола норози оҳангда менга ўшқиргандек. — Ҳеч катта кесмассан-да.

Хола Зулайҳо гапларини кўнглига олмаганидан хурсанд эди. у мени «латта кесмас, лапашангсанда» деб койиркан, буни йўлига айтаётганлиги билиниб турарди.

— Мана олиб келдим-ку, — дедим мен тўнғиллаб.

— Қаерда сенга саларка ушлаб турибди экан. Менинг гумбиримдан (хола флягани гумбир дерди) олиб келган чиқарсанда, — деди менга ёлғондакам синовчан назар ташларкан.

— Йўқ, ўзимнинг бекитганим ҳам бор, — мен тўнғиллашда давом этдим. Шундан кейин қизларга далага тушликка чой, нон олиб чиқиш учун ҳозирлик кўриб, самоварни ўт олдирдим.

Зулайҳонинг бошини ювиб бўлишган эди ҳамки, шийпонимиз ёнига автобус келиб тўхтади. Унда болаларнинг ота-оналари фарзандларини кўришга келишган эди. Бу автобус давлат хўжалигимизга қарашли кўчма кинобудка эди. У ҳар ўн кунда келиб кино қўйиб берар, йўл-йўлакай фарзандларини соғинган ота-оналарини олиб келиб, кетар эди.

ҲИКОЯ

Темур ЭШБОЕВ

(Давоми бор).

(Давоми Бошланиши ўтган сонларда).

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.
Таҳрир ҳайъати:
В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КЎЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).
Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Бизнинг манзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 700083, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Газета ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Маълумот учун телефон: 32-54-21
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.
Г — 84 . Газетанинг навбатдаги сони 8 апрель куни чиқади.
Газета 347000 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10